

## МУЗЕЙЛАРДА НОДИР ЭКСПОНАТЛАР РЕСТАВРАТЦИЯСИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг илмий ходими:

“Шухрат медали” соҳибаси **Комилова Зулфия**

**Анотация:** “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида номоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир...”

“Халқимизнинг хоҳиш иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти борпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунларимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир...”

Ушбу давр талабини кўзда тутилган ибораларни давлатимиз раҳбари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жуда ҳам ўз ўрнида ва вақтида айтиб ўтирганини эътироф этишимиз жоиздир. Мақола муаллифи томонидан музейларнинг асосий вазифалари ҳисобланган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган миллий хунарманд-чилигимиз наъмуналарини асраш ва уларни келгуси авлодга етказиш каби чора-тадбирларни кўриш масалалари борасидаги ўз фикрларини ўртоқлашишни мақсад этган.

Музей – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, уларни сақлаш, илмий ўрганиш, шунинг билан бирга уларни омма ўртасида тарғиб этиб бориш вазифасини ўз зиммасига олган давлат муассасаси ҳисобланади. Дарҳақиқат, музейларимиз манъавият ўчоғи ҳисобланар экан, давлатимиз йўл бошчиси таъкидлаб келган-биз учун маънавият инсонлар ўртасидаги ўзоро ишонч, ҳурмат, эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Шундай интилишлар натижалари ва

ташвиқотларини биз Ўзбекистон музейлари фаолиятларида кўришимиз мумкин. Ўзбекистон музейлари ҳазинаси жамланмалари турли асрларга оид бўлган халқ халқ ҳунармандчилиги наъмуналаридан иборат. Халқимизнинг асрлар мобайнида қилиб келган ижодий меҳнатлари натижасида яратилган ва уни яратиб борилаётган ўзбек халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг наъмуналарини асраб-авайлаш, бу асори-атиқаларни келгуси авлодларга етказиб бериш, ота-боболар ихтирочилиги наъмуналари тарихини ёритиб беришдек ўта муҳим долзаб вазифаларни бажариш музейларимиз томонидан амалга оширилмоқда. Музей илмий даргоҳ бўлгани боис, музейшунослик тизимида музей иши назарияси, музей тарихшунослиги, музей манбаашунослиги, музейлар ва музей тадқиқотлари фаолиятларига оид бўлган илмий изланишларнинг барча йўналишлари киритилган. Барча музейларимизнинг коллекцияларидан инсониятнинг дастлабки ихтиролари ва ота-боболаримиз томонидан яратилган ҳунармандчиликнинг шаклланиб келган турли асори-атиқалари ўрин олган. Тарихий манбааларга асосланиб шуни билдиришимиз мумкинки, гарчанд Ўзбекистонда азалдан миллий ҳунармандчиликларнинг турлари шаклланиб келган бўлса ҳамки, сиёсий тузумлар таъсирида буларга эътибор кам бўлган.

Ўзбекистон деб аталмиш буюк Ватанимизда халқимиз маънавий қадриятларимизга жуда катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб келинади. Шунинг билан бирга уларни асраб-авайлаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо ҳисобланиб келган тарихий меросимизни қайта тиклаш каби савобли ишларга бел боғлаган ўзбек халқи замида аجدодлар хотиралари абадийлаштирилмоқда. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида ижодий-яратувчанлик меҳнат натижаларида яратилган ва яна яратишда давом эттириш борасида юртимизда жуда катта ишлар режалаштирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Истиқлолимизга эришган кунларимизнинг дастлабки вақтларидан бошлаб ўзбек тарихини ўрганиш, бой маданий-манавий мерос-ларимизни, гўзал қадриятларимизни, миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларимизга етказа билиш каби вазифалар долзарб ҳисобланди. Музей табаррук ва шу билан бирга тарихимиз

кўзгуси, аждодларимиз қолдирган мерослар ўчоғидир. Буюк аждодлари яшаб ўтган Ўзбекистон мустақиллик даврида жамиятда янгидан-янги ўзгаришларни, кўп ижодкорликларни, тарихий манбааларни ўрганиш таржибаларини ўзлаштириб олди. Шу билан бирга жамият аъзолари эркин, демократик тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбия топаётганликлари тахсинга сазовордир. Дарҳақиқат ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, унинг тарихи, ўзига хос бўлган, шарқий гўзал ҳисобланган қадимий урфлари ва одатлари, анъаналари, қадриятлари шаклланиб келган. Ўзбекистон Республикасидаги музейлар ва тарихий меъморий ёдгорликлар миллатнинг маданий уйғониши, миллий ғояни тарғиб этиш, халқ онгининг миллий ғурур зарчашмалари билан тўлдириб бориш, мустақилликни қадрини аниқлаш ва онгли равишда кенг кўламдаги вазифаларни амалга ошириб бормоқда.

Мустақилликка эришилгандан кейинги сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва шу билан бирга Ўзбекистон ҳукумати моддий маданий меросга жуда ҳам юксак эътибор қаратиб, уларни муҳофаза қилиш ва сақлаш масалаларини амалга ошириш борасида бир неча фармонларни ва қарорлар жорий этиб келмоқда. Буларнинг барчаси асосан ота-боболаримиз томонидан етиб келиб, бизга қолдирган турли миллий бинокорликлар ва миллий ҳунармандчиликларни келгуси авлодларга етказишга қаратилган мақсадли йўналишлардир. Ўзбекистоннинг барча манзиллари қаторида кўхна Наманган ҳам миллий ҳунармандчилиги наъмуналари ва археологик маркази давлатимиз диққат эътиборида экани жуда характерлидир. Шундай қадимий масканлар қаторида бўлган “Қадимий Ахсикент” харобалари давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан “Очиқ осмон остидаги музей” ва “Ўтмишга саёҳат” мажмуасини барпо этишга тамал тоши қўйилди. Ушбу мажмуа 10 та объектда Фарғона-Ахсикент шаҳрини 1,5 минг йиллик тарихини аниқланган ҳолда қадимий қурилишларнинг қолдиқлари асосида яратилмоқда. Ахсикент манбаалари ҳозиргача Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг археология экспозициясида зиёратчиларга маълумол бериб келинган. Чунки бошқа – Косон, Чуст, Поп каби археологик топилмалар қаторида музейга археологларнинг илмий

тадқиқотлар натижасида музей жамланмасига келтирган Ахсикент археологик топилмалари мавжуд.

Юқоридаги манбаалардан келиб чиқадики, музейларимизда сақланиб келаётган асори-атиқаларимизни умрини узайтириш учун албатта реставрация ишларини амалга ошириб бориш зарурдир. Реставрацияда дастлаб экспонат даврийлигини ва ҳолатини аниқлаб олинади. Экспонат нима деган савол ўз – ўзидан туғилади. Экспонат бу турли асрларга оид бўлган, инсоният томонидан эҳтиёжлари таъсирида яратилган, шаклланган, асрлардаги қадимий ҳунармандчиликлар наъмуналари ҳисобланиб, асосан экспонатларни музейларни ҳазиналарида сақланади. Бу экспонатлар материали, ишлаб чиқарилганлиги шунингдек уни яратувчанлигига қараб турли ҳунармандчилик экспонатларига бўлинади. Шунингдек экспонатлар музей экспозицияларидаги тарихий аҳамиятга эга бўлган музейлар мулкидир. Экспонатлар турлари орасида етакчи экспонатлар ҳам мавжуд.

Етакчи экспонат-бу аниқ маъно ва мазмунга тегишли бўлган экспозиция буюмидир. Бундай экспонат экспозиция мажмуасида бошқа экспонатлардан турларга қараб ажралиб туради ва жиҳозлашда таркибий қисимларга бўлинади. Экспонат турига қараб қадимдан токи ҳозирги давргача бўлган, музейнинг ҳазинасига қабул қилинган музей асори-атиқалари ҳисобланади. Экспонатнинг тарихий аҳамиятига кўра нодир экспонатлар ва ёрдамчи экспонатларга бўлинади. Музейларнинг мавжуд ҳазиналари жамлармасини доимий равишда экспонатлар билан тўлдириб борилади. Бу экспонатлар қуйдагича тарзда жамланади. Музей учун давлатимиз томонидан ажратилган маблағ ҳисобига сотиб олинган экспонатлар жамланмалари. Музей илмий ходимлари томонидан йиллик режа асосида чорақлар давомида топширилган экспонатлар жамланмалари. Музейда ҳаваскор ҳунармандлар иштирокида ташкил этилган кўргазмаларда музейга совға этилган экспонатлар жамланмалари. Илмий экспедициялардан келтирилган археологик топилмалардан иборат бўлган, қадимий сопол буюм ва бино безаклари қолдиқларидан иборат экспонатлар жамланмалари. Ҳар бир экспонатни

реставрация қилиш ва сақлаш ишига оид экспонатларни сақлашнинг назарий ёндошувлари, уларни сақлаш асосидаги илм-фандан фойдаланишнинг асосий жиҳатлари, маданий бойликларни сақлашнинг амалий усуллари мавжуд. Мутахассислар томонидан экспонатларни муайян ҳолларда асраш усуллари инобатга олинади. Масалан тош, суяк, фил суяги каби археологик ашёлар таркибида эрувчан тошлар мавжуд бўлгани боис уларнинг емирилиш сабаблари, тузларни аниқлаш усуллари, бундай зарарли тузлардан тозалашнинг анъанавий усуллари, музейларда уларни сақлашдаги таржибалари реставрациялар олиб боришда муҳим омилдир.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда шуни биламизки барча музейлардаги экспонатларнинг ўзига яраша ҳолатлари, сақланиш муаммолари юзага чиқиб тураркан. Масалан музейнинг археология топилма экспонатларини сақлаш хоналарини нам лик даражасини ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки археологик топилмаларни қайта тиклан-реставрацияси ўта мураккабдир. Баъзи ҳолатларда археологик топилмани қайта тиклаб бўлмаслиги мумкин. Табиат бўлими экспонатлари ҳайвон қотирмаларидан иборат бўлгани боис, йил давомида махсус дорилар билан ишлов берилади. Сақланиш муддати белгиланган ҳайвонлар қотирмалари йиллар ўтган сари ўз ҳолатини ўзгартириб боради. Махсус химикат таъсирида ҳайвон қотирмаси маълум муддат экспозицияда намоиш этилади. Сопол экспонатларнинг таъмирлари асл ҳолатдаги фотолари ва манбаалари асосида тикланади. Наманган вилоятининг археологик ёдгорликларидан қадимий Ахсикент сув қубурлари, турли хажмдаги хумлар, уй-рўзғор буюмлари шулар жумласига киради. Металллардан ясалган экспонатлар кўпроқ занглаш ҳолатига учрайди ва бундай экспонатларни таъмирлаш учун қўлланилган усул ва химикатлари ёрдамида реставрация қилиб борилади. Музейларда кўр учрайдиган экспонатлардан мискарлик буюмлари 17-асрнинг охирларидан ривожланиб келган ҳунармандчилик буюмларидир. Асирлар таъсирида мисдан ишланган экспонатларимизда ҳам эскириш, чириш, кўринишини йўқотиш жараёнлари бўлиши табиийдир. 19-асрда шаклланиб, санъат даражасига етган чинни экспонатларнинг ҳам синиш ҳолатлари

кузатилади. Бунда таъмирловчи мутахасислар метал қадок билан синик қисимларини бирлаштиришади. Экспонатлар орасида матодан таёрларган каштачилик наъмуналари, миллий либосларнинг ҳам вақти келиб таъмирга мухтажлиги сезилади. Матолардан таёрланган экспонатлар турлани куяга қарши курашувчи химикатлар ёрдамида реставратсия амалиётлари бажарилади. Мусаввирлар асарлари эса махсус бўёқлар ёрдамида мусаввирлар томонидан бажарилади. Барча турдаги ноёб экспонатлар музей томонидан тузилган комиссия қарори асосида ҳужжатлашган кўринишда олиб борилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. “Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал.
2. “Санъат” – Ўзбекистон Бадий Академияси журнали.
3. “Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи : кеча ва бугун” рисоласи. Муаллиф : Эркин Мирзалиев. 2010-йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси.